

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЕНЖАЕВ ОЛИМЖОН ОБИДЖОНОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ТОМОНДАН ЎЗГАРИШЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кенжаев Олимжон Обиджонович

Бронхиал астма билан касалланган беморларда
марказий гемодинамика томондан ўзгаришлар..... 3

Кенжаев Олимжон Обиджонович

Изменения со стороны центральной гемодинамики
у больных с бронхиальной астмой..... 25

Kenjaev Olimjon Obidjonovich

Changes in central hemodynamics
in patients with bronchial asthma..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КЕНЖАЕВ ОЛИМЖОН ОБИДЖОНОВИЧ

**БРОНХИАЛ АСТМА БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
МАРКАЗИЙ ГЕМОДИНАМИКА ТОМОНДАН ЎЗГАРИШЛАР**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Tib4048 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминов Даврон Кадилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раҳимова Дилором Алимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рустамова Мамлакат Тулабаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги
Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарураяти. Бронхиал астма жиддий глобал муаммо бўлиб, кўпроқ меҳнатга лаёқатли аҳоли вакиллари орасида учраши билан ажралиб туради. “...Бронхиал астма бўйича миллий ва халқаро даволаш тавсиялари тадбиқ этилишига, фармакотерапиядаги эришилган ютуқларга қарамай, мазкур касаллик тарқалиши юқори даражада сақланиб, ҳар йили 250.000 га яқин беморлар ўлими кузатилади...¹”. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича бронхиал астма билан 300 млн.га яқин киши касалланган, башоратларга кўра бу кўрсаткич яқин 10 йил ичида 1,5 мартага ошиши кузатилади. Касалликни етарлича назорат қилмаслик жиддий асоратларга, беморларнинг ногиронлиги ва летал оқибатларга олиб келади.

Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида мазкур касалликда юрак қон томир тизимида кузатиладиган ўзгаришларни ташхислашда энг мукамал усулни танлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Уларда гемодинамик бузилишлар обструктив синдром яққоллиги билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Мазкур касалликдан ўлим сабабларига юрак қон-томир тизимидаги ўзгаришлар ҳамда бунинг натижасида келиб чиқадиган турли асоратлар етакчи ўринни эгаллайди. Бронхиал астмадаги қон айланиш тизимидаги бузилишларни ўрганиш уларни даволаш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

Халқаро стандарт талабларига мос равишда, тиббиёт соҳасининг, турли хил соматик касалликлар ташхисоти, олдини олиш ва даволаш усуллариининг ривожланиши учун, мамлакатимизда тиббий ёрдамни самарадорлигини, сифатини ва ҳаммабплигини ошириш, шунингдек патронаж хизмати ва диспансеризацияни самарали моделларини ишлаб чиқиш йўли орқали, уларни юқори технологик усуллариини тадбиқ қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, нафас тизими касалликлари билан оғриган беморларда асоратларни юзага келиш даражасини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш, асосий касаллик кечишини олдиндан аниқлаш сифатини яхшилаш, беморларнинг яшовчанлиги ва соғайиши, ногиронлик даражасини камайишига имкон беради.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги 5590–сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисидаги”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹ Global Initiative for Asthma. Global Strategy for Asthma Management and Prevention, 2024. Updated May 2024

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб жаҳонда БАда гемодинамик ўзгаришларни баҳолаш борасида бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда. У билан касалланган беморларда узоқ муддатли ва яққол гипоксия ўпка гипертензиясининг турғунлашуви ва миокард дистрофияси ривожланишининг метаболик сабаби ҳисобланувчи энергетик балансни манфий томонга силжиши билан миокард компенсатор қобилятининг камайишига олиб келади (Kohama A., 2019). Олимларнинг кузатишларига кўра, яққол ривожланган обструктив синдромда ўпка қон оқимининг аҳамиятли пасайиши томир қаршилигининг ошиши, шунингдек, ўпка томирларининг облитерацияси ва торайиши билан боғлиқ (Гендлин Г.Е., 2019).

Қатор муаллифлар фикрича, бронхиал астмада энг эрта ўзгаришлардан бири чап қоринча диастолик дисфункцияси ривожланиши ва чап бўлмача ҳажми ошиши билан функциясининг бузилиши ҳисобланади (Шалашова Е.А., 2018). БА хуруж вақтида қон ҳаракатининг ўзгаришлари тавсифи миокарддаги функционал бузилишлар билан боғлиқ (Меметов К.А., 2018). Касаллик авж олган сайин ва ўпкада анатомо-морфологик ўзгаришлар пайдо бўлган сари унда турғун гипертензия шаклланади. Мазкур даврда ташқи нафас олиш ва кичик қон айланиш тизимида компенсатор механизмларининг ҳолдан тойишининг бошланишини акс эттирувчи қон ҳаракатининг қайта қурилиши шаклланади (Симоненко В.Б., 2021).

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам кўплаб пулмонологияга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Улар орасида, бронхиал астма авж олишининг замонавий хусусиятларини баҳолаш ва тезкор даволаш ва олдини олишнинг муқобиллаштирилган тизимини такомиллаштирилган (Холиқова Н.А., 2023). Унинг клиник кечишига эндотелий тизими ҳолатини, бир қатор иммунологик кўрсаткичлар ва носпецифик иммунитет омилларининг таъсирини ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини умумлаштирган ҳолда баҳолаб, касалликнинг патогенетик давоси такомиллаштирилган (Базарова, С.А., 2016). Бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги ва уларнинг биргаликда кечишининг клиник-лаборатор, иммунологик ва функционал кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда эрта ва дифференциал ташхислаш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (Насирова А.А., 2021).

Ҳозиргача олиб борилган илмий тадқиқотларда бронхиал астмада кузатиладиган эрта гемодинамик ўзгаришларни баҳолаш тўғрисида аниқ фикр мавжуд эмас. Унда юзага келадиган гемодинамик бузилишларни объектив баҳолаш, хавф омилларини вақтида аниқлашга имкон берадиган ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш ҳозирги тиббиётнинг долзарб муаммосидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №01980006703 илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Сурункали касалликларни замонавий ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астманинг энгил шакллари бўлган беморларда юрак қон-томир тизимининг структуравий ва функционал ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бронхиал астма энгил шакллари билан касалланган беморларда клиник, лаборатор ва асбобий текширувдаги ўзгаришларни баҳолаш;

Бронхиал астма энгил шакллари билан оғриган беморларда липидлар алмашинуви кўрсаткичларини баҳолаш;

Бронхиал астма энгил шакллари билан касалланган беморларда эрта гемодинамик ўзгаришларни эхокардиографик ва электрокардиографик текширувлар ёрдамида аниқлаш;

Бронхиал астма энгил шакллари билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари, липидлар алмашинуви, астмани назорат қилиш ва юрак-қон томир тизимининг функционал кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

Бронхиал астманинг энгил кечиши бўлган беморларда миокардиал дисфункция ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг прогнозлаш аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази пульмонология бўлимида амбулатор ва шифохона шароитида даволанган бронхиал астма билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бронхиал астма билан касалланган беморлар қони, қон зардоби, спирометрия, ЭхоКГ, Холтер-ЭКГ, магистрал артерияларни дуплекс сканирлаш маълумотлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни бажаришда умумий қон таҳлили, биокимёвий, иммунофермент таҳлили, ЭхоКГ, Холтер-ЭКГ, магистрал артерияларни дуплекс сканирлаш, спирометрия ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

енгил даражадаги бронхиал астма билан оғриган беморларда липидлар таркибидаги бузилишлар юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП) даражасининг пасайиши ва паст зичликдаги липопротеинлар даражасининг ошиши билан намоён бўлгани ҳамда ушбу ўзгаришлар тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари ва бронхообструкция даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

енгил даражадаги бронхиал астма билан оғриган беморларда соғлом энгил даражадаги бронхиал астма билан оғриган беморларда соғлом шахслар

билан солиштирилганда, каротид артериялар доплерографиясида адвентиция + интима-медиа мажмуаси қалинлашуви ва Холтер мониторинги ЭКГсида юрак уриш сонининг ишончли даражада ошиши, шунингдек қоринчалар ҳамда суправентрикуляр экстрасистолиялар қайд этилиши ва бу ўзгаришлар персистентловчи шаклда янада яққолроқ намоён бўлиши аниқланган;

енгил персистентловчи шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда соғлом шахслар билан солиштирилганда ўпка артерияси ўртача босими ошгани ($p < 0,05$), чап қоринчага сўнгги систолик ва диастолик ҳажмлар ошгани ($p < 0,05$), ва чап қоринчани зарб ҳажми сақланган ҳолда 30,86% ҳолатларда асосан гипертрофик турдаги чап қоринчани диастолик дисфункцияси кузатилгани исботланган;

енгил персистент шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда чап қоринчани диастолик дисфункцияси тизимли яллиғланиш кучайиши, липидлар спектри бузилиши, юрак уриш сонининг ошиши ва бронхиал астма назорати паст даражада бўлиши билан боғлиқ экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бронхиал астма билан оғриган беморларда касалликнинг авж олишини башорат қилиши учун яллиғланиш ва липид алмашинуви кўрсаткичларини аниқлашнинг амалий аҳамияти исботланган;

Бронхиал астманинг енгил шакли билан касалланган беморларда юрак-қон томир тизими томонидан бузилишларни эрта аниқлаш мақсадида липид ЭхоКГ ҳамда ЭКГ ўтказишнинг амалий аҳамияти кўрсатилган;

Бронхиал астманинг енгил кечиши бўлган беморларда яллиғланиш маркерларини, липид алмашинувини, юрак қисқариш частотасини ва бронхиал астмани назорат қилиш даражасини аниқлаш чап қоринча диастолик дисфункцияси ривожланиш омиллари сифатида амалий аҳамиятга эга эканлиги исботландган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашувлар ва усулларни тадқиқотда қўллашнинг тўғрилиги, текширувларнинг аниқлиги, бронхиал астма билан касалланган беморларнинг етарли танлов ҳажми, клиник, биокимёвий, серологик, инструментал маълумотлардан олинган рақамли маълумотларга асосланган замонавий статистик усуллардан фойдаланиш, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар, шунингдек назарий ва амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалий бажарилишидан олинган натижалар билан таққослаш ва оқилона баҳолаш орқали асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бронхиал астманинг енгил шакллари бўлган беморларда юрак қон-томир тизимининг структур ва функционал ҳолатини баҳолашнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар кардиореспиратор асоратлар профилактикасини такомиллаштириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астма билан касалланган беморларда юрак қон-томир тизимидаги структур ва функционал ўзгаришларни эрта аниқлаш усулларини тиббиёт амалиётига жорий этиш

худудий, ижтимоий ва иқтисодий омилларга қараб даволашнинг амалдаги тамойиллари ва стандартларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астманинг энгил шакллари бўлган беморларда юрак қон-томир тизимининг структур ва функционал ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: энгил даражадаги бронхиал астма билан оғриган беморларда липидлар таркибидаги бузилишлар юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП) даражасининг пасайиши ва паст зичликдаги липопротеинлар даражасининг ошиши билан намоён бўлгани ҳамда ушбу ўзгаришлар тизимли яллиғланиш кўрсаткичлари ва бронхообструкция даражаси билан боғлиқлиги аниқланганлиги Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси 13.12.2024 йилдаги 8750-11-169-ТВ/2024-сон, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси бўйича 03.12.2024 йилдаги 60/11-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бронхиал астма энгил кечиши билан касалланган беморларда липид алмашинувининг бузилишини аниқлаш эрта ташхислашни такомиллаштириш ва беморлар ҳаёт давомийлигини узайтиришга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши беморларни стационар даволаниш кунини камайтириш ва ташхисий текширувларга сарфланган ўртача вақтни тежаш имконини беради. Хулоса: бронхиал астма билан оғриган беморларда липидлар таркибидаги бузилишлар юқори зичликдаги липопротеинлар (ЮЗЛП) даражасининг пасайиши ва паст зичликдаги липопротеинлар даражасининг ошиши билан намоён бўлишини аниқлаш касалликнинг ривожланиш башорат қилишга имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: энгил даражадаги бронхиал астма билан оғриган беморларда соғлом шахслар билан солиштирилганда, каротид артерияларнинг доплерографиясида адвентиция+интима-медиа комплекси қалинлашиши ва холтер мониторинг ЭКГсида юрак уриш сонининг ишончли даражада ошиши ҳамда қоринчалар ва суправентрикуляр экстрасистолиялар қайд этилиши ва бу ўзгаришлар персистирловчи шаклда яққолроқ намоён бўлши аниқланганлиги Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси 13.12.2024 йилдаги 8750-11-169-ТВ/2024-сон, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси бўйича 03.12.2024 йилдаги 60/11-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: БА билан касалланган беморларда мазкур илмий янгиликнинг тадбиқ этилиши ташхисот сифатини оширишга, касалликнинг ривожланиш хавфини ва оғирлигини башорат қилишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тиббий ёрдам нархи ва тиббиёт ходимларининг иш вақтини қисқартириш имконини беради. Хулоса: энгил даражадаги бронхиал

астма билан оғриган беморларда қоринчалар ва суправентрикуляр экстрасистолиялар қайд этилиши касалликнинг ривожланиш хавфини ва оғирлигини башорат қилишга имкон беради.

учинчи илмий янгилик: энгил персистентловчи шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда соғлом шахслар билан солиштирилганда ўпка артерияси ўртача босими ошгани ($p < 0,05$), чап қоринчага сўнгги систолик ва диастолик ҳажмлар ошгани ($p < 0,05$), ва чап қоринчани зарб ҳажми сақланган ҳолда 30,86% ҳолатларда асосан гипертрофик турдаги чап қоринчани диастолик дисфункцияси кузатилганини исботланганлиги Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси 13.12.2024 йилдаги 8750-11-169-ТВ/2024-сон, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси бўйича 03.12.2024 йилдаги 60/11-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: БА билан касалланган беморларда мазкур илмий янгиликнинг тадбиқ этилиши ташхисот усуллари тақомиллаштириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши ташхислашга ва даволашга кетадиган вақт ва маблағни тежаш имконини беради. Хулоса: энгил персистентловчи шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда ўпка артерияси ўртача босими текшириш ташхис қуйиш ва беморларни даволашни таъминлаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: энгил персистик шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда чап қоринчанинг диастолик дисфункцияси тизимли яллиғланиш кучайиши, липидлар спектри бузилиши, юрак уриш частотасининг ошиши ва бронхиал астма назорати паст даражада бўлиши билан боғлиқ экани аниқланганлиги Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси 13.12.2024 йилдаги 8750-11-169-ТВ/2024-сон, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси бўйича 03.12.2024 йилдаги 60/11-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2025 йил 7 майдаги 17-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бронхиал астма билан касалланган беморларда гемодинамик ўзгаришларни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши тиббий ёрдам нархи ва тиббиёт ходимларининг иш вақтини қисқартириш орқали юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Хулоса: энгил персистик шаклдаги бронхиал астма билан оғриган беморларда тизимли яллиғланиш, липидлар спектри бузилиши, юрак уриш частотасининг ошиши ва бронхиал астма назоратим эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, улардан 1 таси халқаро, 3 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 109 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий иш мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмалар тўғрисида маълумот берилган.

Диссертация тадқиқотининг биринчи боби **“Адабиёт шарҳи. Бронхал астмага замонавий қарашлар”** деб аталиб, унда касаллик эпидемиологияси, кечиши, ташхисоти, назорати, бронхиал астма билан касалланган беморларда гемодинамика ҳолати, БАда эндотелиал дисфункциянинг келиб чиқиши кабилар муҳокама қилинган. Ҳар бир бўлим бронхиал астма ҳақидаги яқин ва узоқ хорижий давлатларда ўтказилиб келинаётган охириги 5 йиллик илмий тадқиқотлардаги маълумотлар билан бойитилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқот клиник материали ва усуллари умумий тавсифи”** деб номланиб, қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: текшириш протоколи ва беморлар клиник тавсифи, беморлар гуруҳларининг клиник тавсифи, тадқиқот усуллари, олинган натижаларнинг статистик ишлови.

Тадқиқот мақсад ва вазифаларига мувофиқ тадқиқот 2021-2023 йиллар Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази пульмонология бўлимида ўтказилди. Тадқиқотга киритилган барча беморларга текширув режаси тушунтирилди ва уларнинг тадқиқот ўтказилишига ёзма розилиги олинди. Тадқиқотга 103 нафар шахслар, шундан 81 нафари бронхиал астма (алергик фенотип) билан касалланган беморлар иштирок этди. Эрақ беморлар 45 нафар (56%), аёл беморлар 36 нафар (44%)ни, беморларнинг ўртача ёши эса $29,9 \pm 6,1$ ёшни ташкил қилди.

Беморлар тадқиқотга ёзма розилик бергандан сўнг беморлар бир нечта гуруҳларга бўлинди:

1 – гуруҳ енгил интермиттирловчи бронхиал астма билан – 41 нафар бемор;

2-гуруҳ енгил персистирловчи бронхиал астма билан – 40 нафар бемор

3-гуруҳ назорат гуруҳи – 22 нафар соғломлар.

Умумий қон таҳлилида эритроцитлар, гемоглобин, лейкоформула билан биргаликдаги лейкоцитлар миқдори, ЭЧТ аниқланди. Қон биокимёвий таҳлилида глюкоза, умумий билирубин, АЛТ, АСТ, СРО, фибриноген, умумий IgE аниқланди. Липидограммада умумий холестерин, зичлиги юқори липопротеидлар, зичлиги паст липопротеидлар, зичлиги жуда паст липопротеидлар, зичлиги юқори бўлмаган липопротеинлар, триглицерид, атерогенлик индекси аниқланди.

Ташқи нафас функциясини текширишда бронхиал ўтказувчанлик бузилиш даражасини билиш учун Fukuda Sango и Flow Screen спироанализаторидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди. ЭКГ Холтер мониторинг ФВКТТМ функционал диагностика бўлимида барча беморларга ўтказилди. ЭКГ Холтер мониторинг SCHILLER MT-200 Holter-ECG V 2.71.1 кардиорегистраторини қўллаган ҳолда 24 соатлик ЭКГ амалга оширилиб, кейинчалик автоматлаштирилган анализатор унга мос компьютер - IBM PC да стандарт таҳлил дастури ёрдамида ўтказилди. ЭхоКГ ФВКТТМ функционал диагностика бўлимида 2-4 МГц ли, кўп частотали General Electric Vivid 7 аппаратида кардиал сектор датчик билан ўтказилди. Магистрал артерияларни дуплекс сканирлаш адвентиция қалинлиги, интима медиа комплекси қалинлиги Америка ЭхоКГ бўйича ассоциацияси консенсусига асосан аниқланди, бунга кўра ИМКК юқори чегараси 0,96 мм (0,52-1,4) деб олинди.

Тадқиқотдаги беморларда бронхиал астма назоратини баҳолаш бронхиал астма назорат тести қўлланилган (Asthma Control test - АСТ).

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар Statistica 6.0. дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда ўзгарувчан статистика усуллари ёрдамида қайта ишланди. Қийёсий, корреляция ва регрессия таҳлиллари, шунингдек, тадқиқот кучини баҳолаш ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Шахсий тадқиқотлар натижалари. Бронхиал астма енгил шакллари билан касалланган беморларда клиник ва лаборатор-асбобий текширув натижалари”** деб номланиб, бронхиал астма турли шакллари билан касалланган беморлар умумий тавсифи ва умумий қон таҳлили натижалари, турли гуруҳдаги бронхиал астма билан касалланган беморларда қон биокимёвий таҳлилидаги ўзгаришлар, бронхиал астма билан касалланган беморларда ташқи нафас функцияси кўрсаткичларининг ўзгаришлари, олинган натижаларнинг корреляцион ва регрессион таҳлил натижалари каби бўлимлардан иборат.

Ёш жиҳатдан 2-гуруҳ беморлари ўртача ёши қолган гуруҳ вакиллари билан каттароқ эканлиги кузатилди. Тана вазни индекси бўйича гуруҳлар орасида ишончли фарқ кузатилмади. Ирсийлик жиҳатидан 1- ва 2-гуруҳ беморларининг 40-50%да наслида мазкур касаллик билан касалланган беморлар мавжудлиги аниқланди, касаллик давомийлиги жиҳатидан иккала гуруҳ деярли фарқ қилмади. Бронхиал астмали беморлар ўртасида β-агонистларни қабул қилиш барча гуруҳларда (1 ва 2) 100% ни ташкил этди. Бироқ, 2-гуруҳ беморлари орасида терапевтик дозадан юқори β-агонистларни қабул қилганлар сони сезиларли даражада кўп (55%) бўлиб, 1-гуруҳга (31,7%)

нисбатан фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли экани аниқланди ($p_{1-2} < 0,05$; $\chi^2 = 4,48$). Шунингдек, ингаляцион глюкокортикоидларни қабул қилиш кўрсаткичлари ҳам гуруҳлар орасида фарқ қилди: 2-гуруҳ беморларининг деярли барчаси (97,5%) иГКС қабул қилган бўлиб, уларнинг 37,5%ида дозадан юқори қўллаш ҳолатлари кузатилди; 1-группага келсак, иГКС 68,3% бемор томонидан қабул қилинган ва шуларнинг 24,42% да меъёрдан юқори дозалар қайд этилган. Бундан ташқари, астма назорати тести натижалари ҳам гуруҳлар орасида фарқ қилди: 1-гуруҳ беморларида АСТ баллари ўртача $22,1 \pm 0,3$ ни ташкил этган бўлса, 2-гуруҳ беморларида бу кўрсаткич $20,3 \pm 0,8$ ни ташкил этди, ва бу фарқ ҳам статистик аҳамиятга эга ($p_{1-2} < 0,05$). Ушбу натижалар шундан далолат берадики, 1-гуруҳ беморларида астма назорати даражаси яхшироқ бўлиб, дори воситаларининг ноқонуний ёки ортиқча қўлланиш ҳолатлари камроқ учрайди.

Кейинги босқичда умумий қон таҳлили натижалари таҳлил қилинди (1-жадвал). Умумий қон таҳлилида эритроцитлар миқдорида кўзга кўринарли силжишлар кузатилмади. Тромбоцитлар миқдори ҳам меъерий чегаралардан силжимади, бироқ соғлом шахслардаги ва енгил персистириловчи гуруҳ натижалари ўртасида ишончли фарқлар кузатилди. Шунингдек иккала гуруҳ беморларида лейкоцитлар умумий миқдори, алоҳида гранулоцитлар миқдори ҳам меъерий қийматлардан силжимади. ЕП БА беморлар гуруҳида лимфоцитлар субпопуляцияси мувозанатининг статистик жиҳатдан ишончли бўлмаган даражада бузилиши кузатилди. Нейтрофиллар ва лимфоцитлар ўртасидаги нисбат (NLR), бу яллиғланиш ва лимфоцитар иммун жавоб ўртасидаги мувозанатни акс эттиради, шунингдек тромбоцитлар ва лимфоцитлар ўртасидаги нисбат (PLR) ҳам ошган эди.

1-жадвал

Барча гуруҳ беморларида умумий қон таҳлилидаги ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ ЕИ БА (n=41)	2-гуруҳ ЕИ БА (n=40)	3-гуруҳ НГ(n=22)	р
Тромбоцитлар, * 10^9 /л	$301,12 \pm 10,4$	$340,21 \pm 10,62$	$240,30 \pm 12,18$	$p_{1-3} < 0,05$ $p_{2-3} < 0,01$
Лейкоцитлар, * 10^9 /л	$5,04 \pm 0,85$	$6,5 \pm 0,18$	$6,2 \pm 0,09$	и/э
Нейтрофиллар, * 10^9 /л	$5,12 \pm 0,55$	$6,34 \pm 0,12$	$2,99 \pm 0,41$	$p_{1-3} < 0,05$ $p_{2-3} < 0,01$
Нейтрофиллар, %	$52,3 \pm 2,43$	$56,8 \pm 2,45$	$48,4 \pm 4,93$	и/э
Базофилы, * 10^9 /л	$0,12 \pm 0,09$	$0,21 \pm 0,08$	$0,04 \pm 0,03$	$p_{2-3} < 0,05$
Базофиллар, %	$1,25 \pm 0,16$	$1,30 \pm 0,32$	$0,51 \pm 0,41$	и/э
Эозинофилы, * 10^9 /л	$0,19 \pm 0,02$	$0,22 \pm 0,03$	$0,06 \pm 0,03$	$p_{1-3} < 0,05$ $p_{2-3} < 0,01$
Эозинофиллар, %	$2,59 \pm 0,74$	$3,61 \pm 0,32$	$1,28 \pm 0,94$	$p_{1-3} < 0,01$ $p_{2-3} < 0,001$

Лимфоциты, *10 ⁹ /л	1,90±0,20	2,14±0,22	1,41±0,40	p2-3<0,05
Лимфоцитлар, %	24,8±2,43	25,6±2,65	32,31±2,73	p2-3<0,05
Ne/Lim	2,20±0,40	2,72±0,30	1,30±0,3	p1-3<0,01 p2-3<0,01
Tr/Lim	148,39±8, 41	178,37±8,62	115,6±6,25	p1-3<0,05 p2-3<0,01
ЭЧТ, мм/соат	6,2±0,26	7,3±0,27	3,3±0,02	p1-3<0,01 p2-3<0,01

Кўпгина тадқиқотларда яллиғланиш фаоллиги даражаси бронхиал обструкция ва бронхиал гиперреактивлик даражаси билан боғлиқлиги исботланган. Шунингдек, С-реактив оқсил (СРО) ва фибриноген (ФНГ) ўткир ва сурункали латент яллиғланишнинг юқори сезгир ва ҳар доим аниқлаб бўладиган кўрсаткичлари саналади. Ўткир фазали кўрсаткичлардан СРО миқдорида тадқиқот гуруҳлари ўртасида статистик ишончли фарқлар кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳ беморларида ўткир фазали яллиғланиш кўрсаткичларидаги ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ ЕИ БА (n=41)	2-гуруҳ ЕИ БА (n=40)	3-гуруҳ НГ(n=22)	Р
СРО, мг/л	4,8±1,2	6,1±1,5	1,4±0,9	p1-3<0,05 p2-3<0,01
ФНГ, г/л	3,8±0,5	4,3±0,4	2,1±0,5	p2-3<0,05

Ўрганилаётган гуруҳ беморларида липид алмашинуви кўрсаткичларидан ТГ, ЗПЛП, ЗЮЛП да гуруҳлар орасида статистик ишончли фарқлар кузатилди (3-жадвал). БА кечиш шаклига қараб липидограмма мувозанатининг бузилиши кузатилди, яъни ЕП БА гуруҳ беморларида яққолроқ ўзгаришлар кузатилди. Мазкур гуруҳ вакилларида ЗПЛП, ТГ миқдори юқорилиги ва ЗЮЛП эса камайганлиги, ва бунинг натижасида атерогенлик индексининг ошганлиги кузатилди.

Атерогенлик индекси БА билан касалланган 1-гуруҳда 2,32±0,25, 2-гуруҳда эса 2,85±0,30 ни ташкил этди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 1,6±0,36 бўлиб, статистик жиҳатдан ишончли фарқ қайд этилди (p₁₋₃<0,05; p₂₋₃<0,01). Шунингдек, ЗПЛП ва ЗЮЛП даражалари бронхиал астма гуруҳларида юқорироқ бўлиб, бу ҳолат ҳам статистик аҳамиятга эга (барча ҳолларда p₁₋₃<0,05; p₂₋₃<0,01). Триглицеридлар даражасида эса гуруҳлар орасида ишончли фарқ кузатилмади (p>0,05). Ушбу маълумотлар БАда атероген липидлар кўпайиши ва антиатероген фракцияларнинг пасайиши билан кечувчи дислипидемия мавжудлигини кўрсатади.

**Бронхиал аста билан касалланган беморларида липид алмашинуви
кўрсаткичларидаги ўзгаришлар**

Кўрсаткичлар	1-гурух ЕИ БА (n=41)	2-гурух ЕИ БА (n=40)	3-гурух НГ (n=22)	Р
АИ	2,32±0,25	2,85±0,30	1,6±0,36	p1-3<0,05 p2-3<0,01
ЗЖПЛП, ммоль/л	0,52±0,03	0,61±0,03	0,40±0,06	p1-3<0,05 p2-3<0,01
УХ, ммоль/л	4,35±0,34	5,75±0,27	3,85±0,42	p1-3<0,05 p2-3<0,05
ЗЮЛП, ммоль/л	1,38±0,07	1,32±0,06	1,61±0,09	p1-3<0,05 p2-3<0,01
ЗПЛП, ммоль/л	2,31±0,11	2,39±0,10	1,91±0,11	p1-3<0,05 p2-3<0,05
ТГ, ммоль/л	1,2±0,08	1,20±0,06	1,0±0,10	и/э
ЗЮБЛП, ммоль/л	3,75±0,12	4,20±0,10	2,58±0,21	p1-3<0,05 p2-3<0,01

Тадқиқот давомида умумий иммуноглобулин Е даражасининг ўзгариши БА билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳида ўрганилди. 1-гурухда умумий IgE миқдори ўртача 151,5±4,47 ХБ/млни ташкил этди, 2-гурухда эса бу кўрсаткич анча юқори бўлиб, 282,3±5,8 ХБ/млга етди. Назорат гуруҳида эса умумий IgE даражаси 55,6±2,9 ХБ/мл бўлиб, астма билан касалланган беморлар гуруҳларига нисбатан анча паст эканлиги аниқланди. Статистик таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2-гурух билан 1-гурух орасидаги фарқ ишончли ($p_{1-2}<0,05$), 1-гурух билан назорат гуруҳи орасидаги фарқ жуда ишончли ($p_{1-3}<0,001$), ва 2-гурух билан назорат гуруҳи ўртасидаги фарқ ҳам юқори даражада ишончли ($p_{2-3}<0,001$) ҳисобланади.

Тадқиқотимизда БА билан беморларда обструктив ўзгаришлар кузатилди, яъни нафас йўлларидаги торайиши юқори бронхиал қаршилик туфайли ҳаво оқимининг тезлиги сусайишига олиб келди, бу эса мажбурий нафас чиқариш кўрсаткичларининг пасайиши (МНЧХ1, ЎХТ, МХТ25, МХТ50, МХТ75) билан намоён бўлди. Мажбурий ўпка тириклик сиғими) ва ўпка тириклик сиғими иккала гуруҳларда меъерий чегараларда бўлди (80%дан юқори), бу эса рестриктив бузилишлар йўқлигидан далолат беради. Тиффно индекси 1-ва 2-гурухда (МНЧХ1/ЎТС) мос равишда 78.60±1,18 и 70,12±1,30ни ташкил қилди, бу эса сезиларсиз обструктив ўзгаришлар мавжудлигидан далолат беради. МНЧХ1 89,56% ва 80,97%ни ташкил қилди, бу эса обструктив бузилишлар мавжудлигидан ва ТНФ энгил бузилишлари билан мос келади (4-жадвал).

Тадқиқотдаги беморларда бронходилятацион тест ўтказилди. Бронходилятацион дори воситасининг нафас йўлларида таъсир реакциясини баҳолаш мақсадида уларни спирометриядан олдин ва кейин ингаляция сифатида берилди. Бронхолитик сифатида қисқа муддат таъсир кўрсатувчи β2-

агонистлар – сальбутамол максимал бир марталик 400 мкг (30 с оралатиб 100 мкг.дан 4 та ингаляция) дозада дозаланган аэрозол ингалятор билан берилди. Такрорий спирометрия 15-20 дақиқадан кейин ўтказилди. Тест натижаси МНЧХ₁ ёки МЎТС ўзгаришига қараб аниқланди. БДТ МНЧХ₁ 12%дан ёки олдинги натижага қараганда 200 мл дан ошган тақдирда мусбат саналади. Барча беморларда МНЧХ₁ дастлабки натижалардан 16%дан 22% гача, биринчи гуруҳда ўртача 20% ва иккинчи гуруҳда 18% ошганлиги кузатилди. МЎТС ошиши иккала гуруҳда мос равишда ўртача 14% ва 15% ни ташкил қилди.

4-жадвал

Гуруҳлар бўйича ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЕИ БА (n=41)	ЕП БА (n=40)	НГ (n=22)	p
ЎТС, %	99,12±0,08	98,45±0,09	102±1,14	p ₂₋₃ <0,05
МНЧХ ₁ , %	89,56±3,86	90,97±5,15	103±3,11	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05
ЎХТ, %	88,45±2,31	90,34±2,04	110±3,60	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05
Тиффно индекси	78,60±1,18	70,12±1,30	99,7±4,30	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05
МЎТС, %	98,75±1,43	95,71±1,8	103,45±4,2	p ₂₋₃ <0,05
МХТ ₂₅ , %	86,30±5,25	89,41±4,51	102,26±3,22	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05
МХТ ₅₀ , %	84,76±4,22	80,54±4,40	110,21±3,30	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05
МХТ ₇₅ , %	86,56±3,21	84,72±3,30	120±3,28	p ₁₋₃ <0,05 p ₂₋₃ <0,05

Тадқиқот давомида бронходилатацион тест орқали беморлардаги бронхиал обструкция даражаси ва унинг дори воситаларига жавоби баҳоланди. Бунда мажбурий нафас чиқариш ҳажмининг биринчи сониядаги кўрсаткичи ва мажбурий ўпка тириклик сифими олдин ва кейин ўлчанди. ЕИ БА (экзоген идиопатик БА) гуруҳида БДТгача МНЧХ₁ ўртача 89,56±3,86% ни ташкил этди, тестдан кейин эса бу кўрсаткич 105,41±3,12% гача кўтарилди. МЎТС эса БДТ олди 98,75±1,43% бўлиб, БДТдан кейин 110,51±1,0% га ошди. ЕП БА (эндоген провокацияланган БА) гуруҳида эса МНЧХ₁ кўрсаткичи тестгача 80,97±3,15% бўлиб, БДТдан сўнг 104,53±2,15% гача кўтарилди. Шу гуруҳда МЎТС кўрсаткичи 95,71±1,8% дан 100,51±1,0% гача яхшиланган.

Тадқиқот давомида ЕИ БА билан касалланган беморлардаги айрим кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар таҳлил қилинганда, бир нечта аҳамиятли тенденциялар аниқланди. СРБ яллиғланиш маркери бўлиб, унинг МНЧХ₁ (R = -0.53) ва Тиффно индекси (R = -0.55) билан манфий боғлиқлиги яллиғланиш жараёни кучайган сари спирометрия кўрсаткичлари ёмонлашишини кўрсатади. Тромбоцит/лимфоцит нисбати (Tr/Lim) МНЧХ₁ (R = -0.45) ва Тиффно индекс (R = -0.5) билан кучли манфий боғлиқликда бўлиб, обструктив ўзгаришлар билан боғлиқ. ЗЮБЛП, АИ ва ТГ билан мусбат

боғлиқлиги иммунологик ва функционал фаолликни кўрсатади. Ne/Lim яллиғланишнинг ҳужайравий жиҳатини ифода этиб Тиффно индекс ($R = -0.5$) ва МНЧХ1 ($R = -0.4$) билан манфий боғлиқ, бу эса нейтрофиллар фаоллигининг обструкцияга таъсирини кўрсатади.

Иккинчи гуруҳ беморларида ҳам баъзи ўрганилган кўрсаткичлар ўртасида ўртача кучдаги корреляцион боғлиқлик аниқланди. Корреляцион таҳлил натижаларига асосан, ЕП БА билан касалланган беморларда яллиғланиш (СРБ, Ne/Lim, Tr/Lim, тромбоцитлар) ва иммунологик кўрсаткичлар нафас йўллари функциялари (Тиффно индекси, МНЧХ1) билан яққол боғлиқ экани аниқланди. Бу кўрсаткичлар диагностика, касаллик оғирлигини баҳолаш ва даволаш самарадорлигини мониторинг қилишда фойдали бўлиши мумкин. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, олиб борилган таҳлиллар ЕП БА билан касалланган беморларда яллиғланиш жараёнлари, липид алмашинуви бузилишлари ҳамда спирометрия кўрсаткичлари ўртасида яққол ва ишончли боғлиқликлар мавжудлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Бронхиал астма енгил шаклларида юрак-қон томир тизимини фаолияти”** деб аталиб, БА билан касалланган беморларда ЭхоКГ, МАДС, ЭКГ ХМ асосий кўрсаткичлари, бронхиал астма беморларида клиник, инструментал ва биокимёвий кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар ва бронхиал астма билан касалланган беморларда миокардиал дисфункциясини ривожланиш хавфини аниқлаш каби бўлимлардан ташкил топган.

Ўтказилган ЭхоКГ натижалари шуни кўрсатдики, юрак ўнг томон структур функционал ҳолатини билдирувчи кўрсаткичлар енгил кечилдаги БА билан касалланган беморларда назорат гуруҳи шахсларидаги натижалар билан мос келди. Бонхиал астма билан беморларда ўпка артерияси ўртача босими натижалари 1-даражали ўпка гипертензиясига мос келди. Бонхиал астмада ўпка гипертензиясининг ривожланиши томирларда босимнинг ошиб бориши туфайли ўпка артериялари деворида ремоделланиш ҳисобига бўлади (5-жадвал).

Чап қоринча ЭхоКГси давомида охириги систолик, диастолик ўлчам, миокард деворлари қалинлиги каби ЧҚ ўлчамлари ва ҳажмини билдирувчи кўрсаткичлар беморлар гуруҳларида назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмади, яъни меъёрий чегараларда кузатилди. Охириги систолик ва диастолик ҳажмлар БА енгил персистирловчи тури билан касалланган беморларда отилиш фракцияси сақланган ҳолатда бир оз ошганлиги кузатилди ($p < 0,05$), бу эса мазкур беморларда ЧҚ зўриқишидан далолат беради. Барча гуруҳ беморларида ўрганилаётган кўрсаткичлар деярли меъёрий қийматлар чегарасида бўлди. ЎҚ, чап бўлмача ўлчами ва аорта диаметри бўйича гуруҳлар орасида катта фарқ кузатилмади. Чап қоринча орқа девори ($p_{1-3} = 0,03$, $p_{2-3} = 0,01$) ва қоринчалараро тўсиқ ($p_{2-3} = 0,05$) қалинлиги бўйича статистик ишончли фарқлар аниқланди. Шуниси аҳамиятга моликки, соғлом шахсларга нисбатан бонхиал астмада касаллик кечил шаклидан қатъий назар ЧҚОД қалинроқ эканлиги, шунингдек, ЕИ БАга қараганда ЕП БА ҳам қалинроқ

эканлиги кузатилди. ЕИ БАда ҚАТ қалинлиги назорат гуруҳига қараганда статистик ишончли фарқ кузатилмади.

Тадқиқотимизда ЧҚ диастолик функциясини баҳолаш митрал клапанни импулс-доплер-ЭхоКГ билан текшириш орқали баҳоланди. Е чўққи тезлик кўрсаткичларининг секинлашуви ва А чўққи тезлик кўрсаткичларининг тезлашуви ҳамда V_e / V_a нинг $1,1 \pm 0,12$ гача пасайиши чап қоринча диастолик дисфункцияси биринчи даражаси сифатида (релаксациянинг бузилиши ёки “гипертрофик тип”). Акс натижаларда: Е чўққи кўрсаткичларининг тезлашуви ва А секинлашуви ҳамда V_e / V_a $2,4 \pm 0,27$ гача ошиши декомпенсация ёки ЧҚДД рестриктив типи сифатида ташхисланди. V_e / V_a $1,27 \pm 0,15$ (оралиқ ҳолат) ЧҚДД “псевдонормал” типи сифатида баҳоланган. Тадқиқот натижалари сифатида 25 нафар беморда (5 нафари интермиттирловчи ва 20 нафари енгил персистирловчи тури билан) ЧҚДД аниқланди, бу эса умумий беморларнинг 30,86%ни ташкил қилди. 27,2% ҳолатда (22 нафар беморларда) релаксациянинг бузилиши (ЧҚДД гипертрофик типи) ва 3,7% ҳолатда (3 нафар бемор) ЧҚДД “псевдонормал” типи аниқланди, рестриктив типи эса кузатилмади.

5-жадвал

Барча гуруҳ беморларида Эхокардиограмма асосий кўрсаткичлари тавсифи

Кўрсаткичлар	ЕИ БА (n=41)	ЕП БА (n=40)	НГ (n=22)	р
ЎБ, мм	32,20±3,1	31,42±3,2	30,41±3,5	и/э
ЎҚ, мм	24±2,9	23±3,3	23±3,6	и/э
ЎҚ ОСХ, мл	80,72±3,0	82,70±3,0	80,2±3,8	и/э
ЎҚ ОДХ, мл	115,5±3,5	115,4±3,5	110,8±3,6	и/э
ЎАЎБ, мм.с.у.	15,3±0,61	16,6±0,61	14,4±0,71	p2-3=0,02
АД, мм	33,1±0,06	32,0±0,06	30,4±0,05	и/э
ЧБ, мм	31,4±3,1	30,6±3,0	28,4±3,3	и/э
ЧҚ ОДЎ, мм	44,4±4,7	45,4±5,8	43,7±3,2	и/э
ЧҚ ОСЎ, мм	27,3±5,1	29,6±4,5	27,5±2,9	и/э
ЧҚ ОДХ, мл	88,9±9,4	111,4±8,4	88,2±9,4	p2-3=0,02
ЧҚ ОСХ, мл	49,0±9,5	56,5±7,8	46,3±10,51	p2-3=0,03
ЗХ, мл	74±4,75	69±3,21	79±4,75	p2-3=0,04
ОФ, %	66,4±3,8	65,7±3,2	66,7±5,6	и/э
ҚАТ, мм	8,5±0,20	8,9±0,21	8,5±0,31	p2-3=0,05
ЧҚОД, мм	9,0±0,61	9,1±0,70	8,9±0,81	p2-3=0,05
ЧҚММИ г/м ²	79,4±7,6	81,6±5,6	80,2±6,9	и/э
Е ЧҚ, см/сек	62,1±4,8	59,3±0,6	63,7±6,2	и/э
А ЧҚ, см/сек	49,3±4,2	57,4±0,4	49,9±6,4	p2-3=0,03
Е/А ЧҚ	1,26±0,04	0,98±0,07	1,30±0,05	p2-3=0,03

Изох: ЧБ – чап бўлмача, ЎБ – ўнг бўлмача, ЎАЎБ – ўпка артерияси ўртача босими, АД – аорта диаметри, ОДЎ – охирги диастолик ўлчам, ОСЎ – охирги систолик ўлчам, ОДХ – охирги диастолик ҳажм, ОСХ – охирги систолик ҳажм, ЗХ – зарб ҳажми, ОФ – отилиш фракцияси, ҚАТ – қоринчалараро тўсик, ЧҚОД – чап қоринча орқа девори, ЧҚММ – чап қоринча миокарди массаси, ЧҚММИ – чап қоринча миокарди массаси индекси, ЎҚ – ўнг қоринча, Е – эрта митрал тезлик, А – кечки митрал тезлик.

Барча беморларда МАДС (уйқу артериялари) ўтказилиб, адвентиция қалинлиги (АҚ) ва интима медиа комплекси қалинлиги (ИМКҚ) ва АҚ + ИМКҚ баҳоланди (6-жадвал). ИМКҚ бўйича гуруҳлар орасида фарқлар кузатилмади. АҚ бўйича ЕИ БА ва ЕП БА гуруҳлари назорат гуруҳидан ўнг томон АҚ ($p_{1-3}=0,002$, $p_{2-3}=0,001$) ва чап томон АҚ ($p_{1-3}=0,02$, $p_{2-3}=0,004$) бўйича ишончли фарқ қилди. Ўнг ва чап томон АҚ + ИМКҚ бўйича эса ЕП БА ва назорат гуруҳи ўртасида ишончли фарқлар мавжудлиги аниқланди (ўнг томон $p_{2-3}=0,05$ ва чап томон $p_{2-3}=0,02$). Шунингдек, ЕИ БА ва ЕП БА гуруҳлари ўртасида ҳам чап томон АҚ + ИМКҚ бўйича ишончли фарқлар намоён бўлди ($p_{1-2}=0,05$). Демак, бу ўзгаришлар БАда томир ремоделланиш жараёнлари бораётганлигидан далолат беради.

6-жадвал

Барча гуруҳ вакилларида марказий артериялар дуплекс сканер кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЕИ БА (n=41)	ЕП БА (n=40)	НГ (n=22)	Р
